

3362/1647

“Qashqadaryodonmahsulotlari” ochiq aksiyadorlik jamiyatining  
Kuzatuv kengashi raisi



M.M. Султонов

---сон

5 март 2013 й

M.Y.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятиги мувофиқлаштириш ва  
назорат қилиш Марказининг  
Қашқадарё вилоят бошқармаси  
бошқиси



Д.Р. Султонов

---сон

M.Y.

**АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛУВИ (ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛУВ)  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

“Qashqadaryodonmahsulotlari” ochiq aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	7	0	0	7	9	T	0
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

643,9 сўм бўлган, жами 421645037 сўмлик, 654830 дона эгаси ёзилган оддий  
хужжатсиз акциялар

Ушбу чиқариладиган акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши еттинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: Жамият кузатув кенгашининг «05» март 2013 йил 2 -сон қарори.  
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

Жамият кузатув кенгашининг «05» март 2013 йил 2 -сон қарори билан акциялар чиқарилуви  
тўғрисида қарор қабул қилинган  
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: Ўзбекистон  
Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Муминов кўчаси, 68-уй, (8375)221-02-50

Эмитентнинг раҳбари: Саидов Амонулла Муродуллаевич

(раҳбо)



Махмудов Мухуддин Турсоатович

(раҳбо)

Сана «5» март 2013 йил

1009 816 30  
08.05.13



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **Нақдсиз эгаси ёзилган оддий акциялар.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Нақдсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **643,9** (олти юз қирк уч сўм тўққиз тийин)сўм;

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **654830** (олти юз эллик тўрт минг саккиз юз ўттиз) дона;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **421645037** (тўрт юз йигирма бир миллион олти юз қирк беш минг ўттиз йитти) сўм;

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- акциядорлар реестрига киритилиши;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиши;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар сифатида олиш;
- жамият тугатилган тарзда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамият низомига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
- ваколатли давлат бошқарув органларида ва судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- эмитентнинг уқувсиз, ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарларини тўлашни талаб қилиш;
- Қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва /ёки/ фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- жамият оддий акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишда мазкур йиғилиш ваколатига кирган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашиш ҳамда қонуи ва уставда назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акциялар эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга;
- амалдаги устав ва қонунларга кўра бошқа ҳуқуқларга эгалар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва /ёки/ чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият уставида ва чиқарилиш тўғрисидаги қарорда ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **643 900 000** сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жами 1000000** (бир миллион) дона Шундан **999740** донаси эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва **260** дона имтиёзли акциялардан иборат.

- **51,0** фоизи, **510 000** дона, умумий қиймати **328 389 000** сўмлик оддий акциялар “Ўздонмахсулот” АК устав фондига берилган;

- **Давлат** (Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳисобидаги активлар) улуши **36,62** фоизи, **366 227** дона, умумий қиймати **235 813 565,3** сўмлик оддий акциялар;

- **Эркин савдо** улуши- **12,38** фоизи, **123 773** дона акция, умумий қиймати **79 697434,7** сўмлик акциялар (юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тўлиқ жойлаштирилган);

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Облигациялар чиқарилуви амалга оширилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпик обуна): **Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна йўли билан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасига давлат активи сифатида жойлаштирилади.**



11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: чиқарилаётган акциялар Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил муддат ичида жойлаштириш, Эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасида белгиланган тартибда эълон қилинган сананинг 15 кундан бошланади.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорда ёпиқ обуна йўли билан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳисобига жамиятни солиқдан бўлган қарздорлиги ҳисобидан тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузуш орқали жойлаштирилади. Андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телсфони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати): Акцияларни сақлаш ва акциялар эгалари реестрини шакллантириш Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Манзили: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 236-14-34; Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарори асосида амалга оширади.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар бозор баҳосида, лекин акцияларнинг номинал қийматидан кам бўлмаган нарҳда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу акциялар учун тўловлар эмитентнинг 01.01.2013 йил ҳолатига давлат бюджети олдидаги солиқдан бўлган қарзи ҳисобига амалга оширилади к-т 6412 (қўшимча қиймат солиғи) ҳисобидан д-т 8310 (Устав капитали) ҳисобига бухгалтерлик амали (проводка) бажарилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): Акцияларнинг 100% миқдорда, яъни 654830 дона акциялар жойлаштирилмасе акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб ҳисобланади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган пул маблағларини қайтариш к-т 8310 (Устав капитали) ҳисобидан д-т 6412 (қўшимча қиймат солиғи) ҳисобига тесқари бухгалтерлик амали (проводка)ни бажариш орқали қарздорлик сақлаб қолинади.

12. Эмитент томонидан Қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби: Эмиссия рисоласининг Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасида белгиланган қисмлари Қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Шунингдек мазкур акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхаси билан жамият бухгалтериясидан танишишлари мумкин. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Муминов кучаси 68-уйида, почта индекси 180006, (8-375) 221-02-50,

13. Бошқа маълумотлар: Бошқа маълумотлар кўрсатилмайди.